

---

## Қўштепада қурилиш: Дўрмонда замонавий уй-жойлар қад ростламоқда

Қўштепада олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида туманнинг қиёфаси кундан-кунга таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда.

Қўштепа туманида намунавий лойиҳалар бўйича арзон уйлар қурилиб, қишлоқлар қиёфаси кундан-кунга чирой очмоқда. Бундай уйлар мамлакатимизда халқ учун фаровон ҳаёт тарзини яратиш, турмуш даражасини юксалтириш мақсадида бунёд этилиб, қишлоқ аҳолисининг кенг қатлами ана шундай шинам ва арзон уй-жойлар билан таъминланмоқда.

Жорий йилда биргина Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2,80 гектар ер майдонида 48 дона ҳар бири 0,02 гектардан бўлган арзон уй-жойлар, йўл ва инфратузилма объектлари қурилмоқда.

Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ҳудудга ишчи кучи жалб қилиш мақсадида қурилиши режалаштирилган уй-жойларга қўшимча равишда деҳқон хўжалиги юритиш учун ҳар бир уй-жой эгасига 0,02 гектардан жами 0.8 гектар ер майдонлари ҳам ажратилмоқда.

Айни кунларда бу ердаги қурилиш объектида “Камолхонов Жаҳон”, “Сардоба Сарбон сервис”, “Муҳаммадумар Булдинг” ва “Обидхон Одилхон ўғли” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан қурилиш ишлари олиб борилиб, қурувчилар карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар.

Бундай замонавий уйлар қишлоқ кўркига кўрк қўшиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатимизга ва эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-11 10:29:49